



**ТОШКЕНТ ВОҲАСИДА ТАРҚАЛГАН VESPIDAE
АРИЛАРИГА МАНСУБ POLISTINAE ТУРЛАРИНИНГ
ТАСНИФИ**

Эргашева А.З.

ЎзМУ номидаги,

afruzaergasheva9@mail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7123161>

ARTICLE INFO

Received: 24th September 2022

Accepted: 26th September 2022

Online: 29th September 2022

KEY WORDS

матрап, антропоген,
сигмент, экотизим

ABSTRACT

Ушбу мақолада Тошкент воҳаси ҳақиқий арилариинг Polistinae турларининг таркиби, тарқалиши экологияси ва морфологик хусусиятлари тўғрисида қисқа маълумотлар келтирилган.

Бугунги кунда ҳайвонот дунёсининг ҳашаротлар синфи ҳақида гапирилганда, ҳашаротлар ҳайвонот дунёсининг катта қисмини ташкил этиб, ер шарининг барча ҳудудларида кенг тарқалган. Турлар таркиби 2 млн.дан ортиқ бўлиб, табиий экосистемалардаги роли беқиёсдир. Ҳашаротлар фаунаси Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам уларнинг хилма-хиллиги бой бўлиб, эндемик турлар ва авлодлари билан ажралиб туради.

Дунёда аҳоли сонининг ортиши билан антропоген омил таъсирида атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши ва бунинг оқибатида биологик хилмахилликнинг ва табиий ресурслар камайиши жумладан, ҳайвонот дунёси ресурсларини хилмахиллигининг камайиши ёки ортиши содир бўлмоқда (Антропов А.В. and etc., 2017). Бу жараёнларнинг барчаси экотизимга катта тасир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда ҳашаротлар синфига мансуб турлар таркиби мингдан зиёд бўлиб, 30 туркумга бирлаштирилган (Мавлонов О.М., 2006). Ҳашаротлар туркумининг 10-60 % ни эндемик турлар ташкил этади. Бу эса, ҳашаротлар фаунаси шаклланишининг ўзига хослигини кўрсатади ва экотизимдаги роли беқиёсдир.

Материаллар ва услублар. Тошкент воҳасида ҳақиқий арилариинг (Vespidae) тур таркибини ўрганиш ишлари 2021 йил март-апрель ойлари давомида ҳам антропоген, ҳам табиий шароитда амалга оширилди. Тажриба ўтказиш учун ариларни тутишда анъанавий услуб энтомологик матрап ва пластик идишлар ёрдамида амалга оширилди. Материалларни йиғишда Мерик тутқич идишидан ҳам фойдаланилди (Курзенко Н. В. Сем). Тадқиқотлар давомида Vespidae арилариинг Polistinae Кенжа оиласига



мансуб 3 та турга мансуб 100 дан ортиқ арилар ушланди.

Vespidae ариларининг Polistinae Кенжа оиласига мансуб Тошкент воҳасида тарқалган тур таркиби қуйидагиларни ташкил қилди.

КЕНЖА ОИЛА: POLISTINAE

АВЛОД: POLISTES

Тур; Polistis biglumis

Таънасининг тузилиши; Polistis biglumis қироличанинг узунлиги 16 мм, ишчилар 14 мм, еркаклар 15 мм гача этади. Бу Polistisдаги қариндошларига

қараганда каттароқ ари тури. Бундан ташқари у бошқа қоғоз ариларга қараганда қуйуқроқ рангга эга. Урғочиларнинг қорин қисми деярли қора камдан кам холларда сариқ рангга эга. Аммо эркакларининг қорин қисми асосан сариқ рангга эга. Вояга этган ариларни ёшлардан ажратиш мумкин. Чунки улар қуюқ рангга эга ва уча олади. Ёшлари эса рангбаранг ва учиш қобилияти суст бўлади (Shima, S.N. 1995).



1-расм *Polistis biglumis* (линний, 1758)

Дунёда тарқалиши; Европа, Африка, Жанубий-ғарбий ва Марказий Осиё, Россия, Кавказ, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Мадагаскар, Жанубий Туркия, Сурия, Исроил, Ироқ, Арманистон, Покистон, Туркманистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизстон ва Хитой (Antropov A.V., Fateryga A.V. 2017).

Тошкент воҳасида тарқалиши; Янги юл тумани 20.05.2021й. 41.091647 N, 69.053418 E Кордината нуқталаридан топилган.

Фенологияси; июн- октабр

Экологияси; Бу арилар куннинг иссиқ вақтида фаол бўлади. Ўртача намлига ва иссиқ иқлими бўлган худудларни афзал кўради. 25-54 С хароратда яхши яшайди. Харорат жуда исиб ёки совиб кетса хаётчанлигини юқотади.

КЕНЖА ОИЛА: POLISTINAE

АВЛОД: POLISTES

Тур: Polistes wattii (Cameron, 1900)

Танасининг тузилиши: Урғочисининг тана узунлиги 11-12 мм, эркаги 10-11 мм, олд қанотининг узунлиги: 19,0-22,0 мм (♀♀), 15,0-17,0 мм (♂♂) текис сариқ рангли (2-расм).



2-расм *Polistes wattiim* (Cameron,1900)

Дунёда тарқалиши: Ироқ, Эрон, Афганистон, Покистан, Хитой, Ҳиндистон, Туркменистон, Ўзбекистон, жанубий Қозоғистон, Тожикистон.

Тошкент воҳасида тарқалиши: Паркент тумани 12.06.2021й. 41.239735 N, 69.734332 E Кордината нуқталаридан топилган.

Фенологияси; июн- сентабр

Экологияси: Ўртача нам ва иссиқ худудларни афзал кўрган бу турлар ҳам

куннинг иссиқ соатларида фаолдир. Асосан 33-54°C ҳароратгача яхши яшай олади. Улар боғларда яни мевали дарахтлар атрофида кенг тарқалган (Antropov A.V. 2017).

КЕНЖА ОИЛА: POLISTINAE

АВЛОД: POLISTES

Тур: *Polistes dominula* (Christ, 1791)

Танасининг тузилиши: Олд қанотининг узунлиги: 9,5-13,0 мм (♀♀), 8,5-12,0 мм (♂♂), сариқ-қора рангли (3-расм).



3-расм *Polistes dominula* (Christ, 1791) оригинал фото

Дунёда Тарқалиши: Шимолий Африка, Исроил, Эрон, Афганистон, Покистан, Сурия, Туркменистон, Туркия,

Ўзбекистон, Шимолий Ҳиндистон (Fatoryga A.V. 2017).



Тошкент воҳасида тарқалиши: Паркент тумани 12.06.2021й. 41.239735 N, 69.734332 E Кордината нуқталаридан топилган.

Биологияси: Бу тур асосан жуда кўп турли хил хашоратлар ва гилос меваси билан озиқланади. У уясини яхши химояланган жойда қўяди шунинг учун ҳам бошқа полистин турларидан фарқ қилади. Мураккаб кўзларнинг ички қисмидаги сариқ доғлар олд томонидаги сариқ чизиклар билан бирлаштирилган. Қанотлар қорайган томирлар билан жигарранг ва тўқ сариқ рангга эга. Оёқлари сариқ жигарранг тусдаги рангда (Carpenter, J.M.).
Фенологияси; июн- август

Экологияси: Иссиқ ва нам жойларда учрайдиган бу турлар одатда боғларда ва уй яқинидаги жойларда кўп учрайди. 29-50С Ҳарорат оптмал хисобланади бу тур учун (Byvaltsev A.M., et al).

Хулоса; Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида Тошкент воҳасининг барча худудларида Vespidae оиласига мансуб арилариининг Polistinae Кенжа оиласининг 3 та тури учраши қайд этилди. Булардан Polistinae кенжа оиласига мансуб 3 турдаги , Polistes wattiim (Cameron, 1900), Polistes dominula (Christ, 1791), Polistes biglumes турларининг учраши қайд этилди.

References:

1. Курзенко Н. В. Сем. Vespidae - складчатокрылые осы / Н. В. Курзенко // Определитель насекомых Дальнего Востока России. Т. 4: Сетчатокрылые, скорпионницы, перепончатокрылые. Ч. 1. СПб. : Наука, 1995. . 264-324.С
2. Мавлонов О.М. Умуртқасизлар зоологияси. –Тошкент, 2006.
3. Antropov A.V., Fateryga A.V. (2017). Superfamily Vespoidea. 68. Family Vespidae. In Book:
4. Antropov A.V., Astafurova Yu.V., Belokobylskij S.A., Byvaltsev A.M., et al. Annotated catalogue of the Hymenoptera of Russia. Volume I. Symphyta and Apocrita: Aculeata. Proceedings of the Zoological Institute RAS. Supplement 6. SPb.
5. Carpenter, J.M. & Marques, O.M. (2001). Contribuição ao estudo dos vespídeos do Brasil (Insecta, Hymenoptera, Vespidae, Vespidae). Cruz das Almas, Universidade Federal da Bahia Publicações Digitais.
6. Zucchi, R., Sakagami, S.F., Noll, F.B., Mechi, M.R., Mateus, S., Baio, M.V. & Shima, S.N. (1995). Agelaiavicina, a swarm-founding Polistine with the largest colony size among wasps and bees (Hymenoptera: Vespidae). Journal of the New York Entomological Society, 103: pp.129-137.